



Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Фарход кўчаси 34/29 Тел: +99866 234-80-34, +99891 528-24-46
Телеграмм +99897 921-24-46, e-mail: afrosiyobstandart@mail.ru

№ 067

« 7 » апрел 2023 й.

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

“G`IJDUVON DEHQON BOZORI”

aksiyadorlik jamiyati rahbariyatiga
СТИР 200863274

Фикр

Биз, Бухоро вилояти Гиждувон туманидан рўйхатдан ўтган “G`IJDUVON DEHQON BOZORI” aksiyadorlik jamiyatining 2022 йил 1 январ кунидан 2022 йил 31 декабр куни ҳолатигача бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар “G`IJDUVON DEHQON BOZORI” aksiyadorlik jamiyatining 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Фикр билдириш учун асослар

Биз аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли қарорларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларга мувофиқ ҳаққоний ва ишончли тақдим этилган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлигини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда



раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч, ишончинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Хулосани тасдиқлайман”

МChJ «Afrosiyob audit standart»
auditorlik tashkiloti директори:



Ҳ.Очилов

“Хулосани тайёрладим”

МChJ «Afrosiyob audit standart»
auditorlik tashkiloti аудитори:

 С.Бобоев